



БУГУНГИ СОНДА:

2-БЕТ

Кўрнамалар фарзанд ошпоқ соқол-ли падари бузруқворига, туғишган-ларига хиёнат қилди...

3-БЕТ

...Пул теккандан кейин у ўзга-риб қолишини билишганида, ҳа-лиги аёллар аввал уйни олишар-ди, кейин пулни беришарди.

8-БЕТ

...Хотини эса ўша табаррук мас-канни булғаб эрию болаларига хиёнат қилди. Агар унга фарзанд-лар керак бўлганида минбаъд бун-дай йўлга юрмаган бўларди...

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

...Улар иккаласи ҳам асосий вазифа-хотис иш юртиб, жиноятнинг асл ил-дизини топиш эмас, нима бўлсада, Ахборин айблаб, қамашдай иш тутин-ди...

...Яшириб қўйилган молларнинг умумий нархи эса 2 миллион 195 минг 568 сўмни ташкил этди...

...шундай қилиб 5 январь кунига ўтар кечаси И. Исоқов жияни О. Қодиров билан ўзининг биринчи ўғирлигига қўл урди...

...Начора, Сусаннага 7000 сўм қурт-дай санаб берибсиз, кутинг. Агарда оз-гина ҳиммат қилиб, устига қўшгани-гизда, эҳтимол дангиллама уйлик ҳам бўлармидингиз...

ДАВЛАТ ТИЛИГА ЎТИШ—ДАВР ТАЛАБИ

Ички ишлар вазирлигида давлат тили ҳа-қидаги қонунни жорий қилиш бўйича мар-казий комиссия мажлиси бўлиб ўтди. Уни шу комиссия раиси, вазир муовини Р. Ҳай-даров олиб борди.

Дастлаб мазкур қонун қай даражада иж-ро этилаётганлиги хусусида бошқарма бош-лиқларининг ҳисоботлари тингланди. Эри-шилган муваффақиятлар кўрсатиб ўтилди, ҳамда йўл қўйилаётган камчиликлар қаттиқ танқид қилинди.

Анжуманда яна келишиб олиндики, шу йил 18 майдан эътиборан жойларга юбори-

лаётган барча ҳужжатлар — буйруқ ва кўр-сатмалар, телеграммалар фақат давлат тили-да амалга оширилади. Бу вазирлик штаби ва котибияти назорати остида бўлади.

Худди шунингдек, бошқармалар бошлиқ-ларига 1 июлга қадар ўз фаолиятларига оид атамалар рўйхатини тайёрлаш вазифа-си юклатилди. Қолаверса, хизматлар раҳ-барияти амалдаги ҳужжатларнинг ўзбек тилидаги нусхаларини 20 июлга қадар штабга тақдим этадиган бўлди.

Р. ҚОСИМОВ.

ТАРБИЯ МАРКАЗЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Сирдарё вилояти ИИБ 1991 йилда содир этилган жиноят-ларни таҳлил қилганда шу нарса маълум бўлдики, оила-вий маиший жанжаллар нати-жасида қасддан одам ўлди-риш 28, оғир тан жароҳати етказиш 128, безорилик 15 мартани ташкил этган. Бу ра-қамлар бошқарма раҳбарлари-ни жиддий ташвишлантирди. Маиший, оилавий аснода со-дир этилаётган жиноятлар-нинг олдини олиш мақсадида

Гулистон шаҳар маҳалласида, Ховос туманидаги Бобур номли давлат ҳўжалигида ташкил топган оксоқоллар кенгашларининг иш фаолияти ўрганилди. Мазкур кенгашлар-да «Ҳуқуқ ва ахлоқий тарбия марказлари»ни тузиш мақбул деб топилди.

Бу марказлар давлат, каса-ба уюшмалари, маъмурий идоралар ва жамоатчилик ташкилотларининг хоҳиш-истакларини ўзида мужассам-лаб, кенгаш фаолиятини му-

вофиқлаштириб туради.

Оилавий жанжалларни бар-тараф қилиш ва оила тарбия-си, муқаддам судланганлар, ҳеч қачонда ишламай юрган-лар билан ишлаш, ичкиликбоз-лик, гийҳвандликка қарши кураш, хотин-қизлар билан, балоғатга етмаганлар билан шуғулланиш, халқ кўнгилли посбонлари ва уларнинг уюш-маси билан ишлаш гуруҳлари ушбу марказнинг асосини таш-кил этади.

Кенгаш эса маҳаллаларда яшовчи обрў-эътиборли, тўй-маърака ва бошқа маросим-ларда бош-қош бўлувчилар, маҳалла фаоллари, ташкилот, корхона вакиллари, уруш, меҳ-нат фахрийлари, дин пешво-лари, милиция, суд, прокура-тура ходимларидан иборат-дир.

Ҳозирги вақтда жойларда 48 та марказ ишлаб турибди. Шу марказлар кенгашларига 545 вакил сайланган. Улар Республикамиз Конституция-

си, ўз иш низоми, режалари асосида иш юритмоқдалар.

Марказлар ташкил этилган-нидан буён, яъни 10 январдан то 20 апрелгача 100 дан орт-тиқ оилавий жанжал ва майда бе-зорилик фактлари кўриб чи-қилди.

Бундан ташқари савдо дў-конлари иш фаолиятларини текширдилар, ер-сув масала-лари билан боғлиқ жанжал-ларни жойларга бориб ҳал қилдилар, ҳуқуқбузарлиқнинг олдини олиш борасида тарғи-бот ишлари олиб бормоқда-лар.

Шуни таъкидлаш жоизки, вилоят ҳудудида ташкил қи-линган марказлар лойиҳаси вилоят сессиясида тасдиқлан-ди ва барча маҳалла кўмита-лари, қишлоқ кенгашлари, ша-ҳар, кўрғон, давлат, жамоа ҳўжаликларида ҳам ташкил-лаштириш тавсия этилди.

М. ТУРДИМУРОВОВ,
милиция полковниги.

ярим минг сўмдан ёрдам кўрсатишга аҳд қилдилар. Бу ташаббус Оққўрғон ва Паркент туманлари ИИБла-рида муҳокама этилди ва қизгин қўллаб-қувватланди.

Табиий офат қиларини қи-либ кетди. Аммо унинг асо-ратларини бартараф этиш жараёнида милициянинг халқ билан бир тан-бир жон-лиги синовдан ўтапти.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
ички хизмат майори.

ЕЛКАДОШЛИК

Дўст қадрли киши бошига оғир иш тушганда билинади, дейдилар.

Бу галги сел тошқини ҳам қутулмаганда юз берди. Бекобод, Оққўрғон, Паркент туманларида у асов отдек ҳайқириб, экин-тикинлару дов-дарахтларга ҳуруж қила кетди. Уларниқу қўяверинг, минглаб юртдошларимизнинг уйлари чўкди, мол-мулклари сувда оқиб, яроқсиз ҳолга келди. Агар таъбир жоиз бўлса, тақчиллик пайтида улар йиллар давомида йиқ-қан бойликларидан жудо бўлдилар.

Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полков-ниги Насриддин Исмоилов табиий офатнинг дастлабки кунийёқ Бекобод туманига ошқиди. Шу ерда оператив штаб ташкил этилди. Ўшан-дан бери ҳар уч тумандаги милиция ходимлари оғир паллада халқ билан елкама-

елка туришни ўз бурчлари деб билмоқдалар. Топган-тутганлари фавқулодда йўққа чиққан фуқаролар-нинг оғирини енгил қилиб, уларни ўғри-казоблардан муҳофаза этишда Паркент туманидан Мирмуса Соли-ҳов, Шоюсуф Шоназаров, Оққўрғон туманидан Ано-қул Худойкулов, Саидғози Неъматов, Бекобод тумани-дан Ботир Тошмухамедов, Абдулла Нажмиддинов каби ички ишлар ходимлари ало-ҳида жонбозлик кўрсатяпти-лар.

Қолаверса, табиий офат-дан нафақат фуқаролар, балки ўша туманларда и-стиқомат қилаётган милиция ходимлари ҳам жабр кўрдил-лар. Бу борада Бекободлик осойишталик посбонлари та-шаббуси диққатга сазовор-дир. Улар юз сўмдан пул йиғишга ва мол-мулкдан ажраган ҳамкасбларига икки

КОМПЬЮТЕР ЖИНОЯТЧИНИ ҚИДИРМОҚДА

Бухоро вилояти ИИБда ўтган йили оператив штаб тузилди. Уни тузишдан мақсад нима эди?

Кунда тушаётган опера-тив хабарларни, ахборот-ларни қайд қилиш, улар устида ишлаш, жавоблар йўллашга жуда кўп вақт ке-тарди. Кунига эса 15-20 дан ошқ содир этилган жи-ноятлар ҳисобга олинарди. Ҳар бир жиноятни очиб жараёнига тўхтайдиган бўл-сак, жисмоний жиҳатдан улгуриш имкони йўқ эди. Яна бир муаммо жойларга юборилаётган маълумот-лар устидан назорат ҳам ўрнатилмаганида. Масалан, Самарқанддан машина олиб қочилган, дейлик. Аммо у Бухорога учинчи ё олтинчи кун эмас, ўнинчи кун ки-риб келиши мумкин. Бироқ шу кунгача ҳар кун машиналарни текшираве-ришмайдику. Биз эса ҳар бир участка вакилида ён хизмат дафтарчаси бўли-шини қатъий белгилаб қўй-дик. Ундаги ёзувларга кўз ташлаб туриш ҳам зарурий-дир.

Эҳтимол кимлардир: «ЖҚБдагилар нега бу иш-ни олиб боришмайди?» — деган савол туғилиши мум-кин.

Очирини айтиш керак. Бугунги кунда ЖҚБ хо-димлари жиноятлар, турли вилоятлардан, шаҳар, туман ИИБлардан келадиган тах-миний маълумотлар билан кў-милиб ётилади. Устига-устак кунига 10-15 талаб хизмат ҳўжжатлари устида ишла-ши керак.

Мазкур штаб эса маълу-мотларни олдини, уни ни-ҳоясига етказишни бевоси-та ўз гарданига олади. Бу-гунги жиноятни эртага қўй-май, излар совмасдан очиб учун ишлайди. Шу боис штабимизда эски матери-аллар йўқ. Содир этилган жиноятларни тез фош қи-лиш штабнинг биринчи даражали ишидир. Бундан ташқари жиноят фош этил-гач, унинг терговни, судга ошнши, суд жараёни ҳам назоратимиз остида бўлади. Негаки унда тўпланган ке-ракли маълумотлар компь-ютерларга жойланиши ло-зим. Бу борада махсус компьютер залига эгамиз. Уларнинг фаолиятимиздаги хизматлари эса бекиёсдир.

Хўш, нега бундай деп-ман? Ҳозир изоҳлаб бера-ман.

Ўтган йили бошқармамиз бошлиғи Америка Қўшма Штатларида бўлиб қайтди-лар. У ерда полиция хизма-ти билан яқиндан таниш-дилар. Океанорти ҳамкасб-ларимиз хизматида компь-ютерлар алоҳида ўрин ту-таркан. Бу хизмат сафари сабаб бўлиб, бошқарма-мизда ҳам улардан фой-

даланишни йўлга қўйишга киришдик. Компьютерлар-ни сотиб олишда ҳомийла-римизнинг кўмаги катта бўлди.

Шуни ҳам айтиш лозим-ки, компьютерларни иш-лата оладиган мутахассис-ларни танлашда жуда қий-налдик. Чунки ўқуви ета-диганлар санокли экан. Очирги, бу жуда ачинарли-дир. Тўғри, бундайларни топдик, аммо таъкидламоқ-чиманки, бизга малакали мутахассислар жуда керак. Шунинг учун фарзандла-римизни энг замонавий тех-никани бошқарадиган қи-либ тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун эса уларни кўпроқ чет элларга ўқиш-га юборишимиз зарур.

Мазкур компьютерларни маълумотлар ғазнаси де-сак, янглишмаймиз. Унга машина олибқочарлар, ўғ-рилар, ашаддий жи-ноятчилар, фоҳишалар қўйингчи, жиноятлар-нинг барча кўринишлари-ни содир этган шахслар, ҳатто дайдилар ҳақидаги маълумотлар киритилган. Зарур вақтда барча тафси-лотларни бир неча дақиқа ичида билиш мумкин. Ва-ҳоланки, бу иш авваллари ҳафта, ойлар мобайнида амалга ошарди.

Маълумки, ҳар бир жино-ятнинг ўз «дастхати» бор. Буларни ҳам аппаратлар ёрдамида бир сонияда тақ-қослаш осон. Кўплаб жи-ноятлар «дастхат»га қараб очилмоқда.

Бошқармамиздаги ушбу марказий маълумотлар жам-ғармаси хизматидан ви-лоятимиздаги барча ИИБ фойдаланмоқда. Бу бир то-мондан вақтни тежаса, ик-кинчи томондан сарф-ха-ражатларнинг, кўплаб ово-рагарчиликларнинг олди-ни олмоқда. Боз усти-га жиноятчиларнинг излари ўчмасдан очилишига хиз-мат қилмоқда.

Ҳозир Навоий вилояти ИИБда ҳам компьютерлар-дан фойдаланилмоқда. Ал-батта, ўртада ахборотлар алмашиш йўлга қўйилган.

Қани эди барча-барча ви-лоят, шаҳар, туман ИИБ-ларда шундай компь-ютерлар ўрнатилиб, серма-шаққат хизматимиз енгил-лашса. Нафақат ҳозирча биз танқислик сезаётган опера-тор-ахборотчилар, балким ҳар бир ходим уларни иш-латиш қобилиятига эга бўл-са. Керакли маълумот-ларни ўтирган жойида ап-паратлар ёрдамида олиб, жиноятчини воқеа жойидан узоқлаштирмай қўлга ту-ширса. Қани эди-я?

Асқар АЛИЕВ,
Бухоро вилояти ИИБ
ходими милиция под-полковниги.

ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРАДИ

Юртимизда транспорт воситалари кун сайин кўпайиб боришти, десак мубо-лага бўлмайди. Айни пайтда йўллар-да автофалокатлар сони кўпайиб бо-раётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Аксарият ҳолларда ДАН ходимлари-нинг ана шундай кўнгилсизликларин олдини олиш борасидаги ҳаракатлари қутилганидек натижа бермаяпти.

Ўзбекистон раҳбарияти ана шу му-аммо ечимини топди, ниҳоят. «Йўл

ҳаракати қондаларини бузганлик учун жавобгарлигини кучайтириш тўғриси-да» янги Қонун қабул қилинди. Рес-публике Олий Кенгаши қарорига му-вофиқ у шу йил 1 июндан бошлаб амал-да қўлланила бошланади. Демак, ора-да санокли кунлар қолди.

Шу боис янги Қонун матнини газета-мизнинг тўртинчи ва бешинчи саҳифа-ларида тўлалигича chop этишга қарор қилдик.

Сиз кутан, кутмаган хабарлар

ТОШКЕНТ

Фуқаро Т. Дубовикина-нинг уйини ўмаришга кирган Виталий, Валерий Василий ва Иброҳимлар дераза орқали ошхонага тушдилар. Жавондан гўшт консервасини олишди. Чой қўйиб, гўшдан тановвул қилишаркан, атрофни кўздан кечирдилар. Қоринларини тўйгазиб олгач, нарсаларни йиғиштириш бошладилар.

Улар озиқ-овқат, кийим-бош, дори-дармонларни катта сумкага жойлаштириб, ғойиб бўлишди.

— Мен бир уйни кўз остига олиб қўйганман. Эгаси камдан-кам келади, — деди Виталий.

— Унда бугунги ишни эртага қўзиб нима қиламиз.

Ҳозирок тинчотиш керак. — Бўлмаса Василий, сен ва Иброҳим нарсаларни ертўлага ташлаб келинглар. Биз сизлар келгунча ичкарига киришга ҳаракат қилиб

ТУЗИНИ ИЧИБ...

кўрамиз. Агарда кўчада бизни кўрмасанг, Иброҳимни пойлоқчиликка қўйиб, ортимиздан кириб борасан, — буюрди Виталий.

Улар нарсаларни ертўлага яшириб қайтганларида, Виталий ва Валерийлар аллақачон ёмғир қувури орқали чиқиб, хонадонга киришга

улгургандилар. Дарчанинг ланг очиқлиги огоҳлантирувчи хабар эди.

Василий Иброҳимни қолдириб, қувур орқали 2-қаватга кўтарилди.

Аммо бу хонадон Қўриқлаш бўлимига топширилганлиги йигитчаларнинг ҳаёлига ҳам келмабди.

Ленин тумани ИИБ ходимлари Иброҳимни йўлакдаёқ қўлга олишди. Диван орқасига яширинган Василий, айвондан сакрамоқчи бўлган Валерий ва қочиб уринган Виталийлар ҳам милиционерларнинг бақувват панжалари орасида ноилоҳ қолдилар.


Ш. АСҚАРОВА.

БУХОРО

Табиатнинг яна бир жумбоғи

Республика ҳокимиятлари назоратчилари ички ишлар бўлимлари ходимлари билан яқиндан алоқа ўрнатиб, меҳнат қилишмоқда. Уларнинг, айниқса, қўриқхоналар ва сув ҳавзаларида ўтказиб қўшма рейдлари жуда фойдали бўлаёттир. Назоратчилар яқинда Бухоро вилоятидаги Шўркўлдан тўтилган майда балиқларни милиция ходимларига кўрсатиб, уларни пол қолдиришди.

Мутахассислар ушбу балиқларни бундан 3-6 миллион йил илгари мавжуд бўлиб, кейинчалик қирилиб кетган панцир тригл деб номланувчи балиқ авлодларидан деб айтишди. Халқ орасида уларни учар балиқлар деб ҳам аташади. Чунки бу балиқлар ўзининг узун ва кенг қанотлари ёрдамида



тезликни ошира бориб, сўнгра сув устида 25 метр ва ундан ҳам узокроқ масофага учиб бора олади.

Миллионлаб йиллар олдин қирилиб кетган океан балиғи бугунги кунда қандай

қилиб пайдо бўлиб қолди? Бу ҳозирча жумбоқ.

СУРАТДА: панцир тригл балиғи.

С. МИЛУШЕВ олган сурат.

ФАРҒОНА

«Ўзимдан чиққан балога — қайга бораё давога!»... Воҳим қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Урайимжон ота Қўзиёев шундай дея бошини чангаллаб қолди. Умид билан воёга етказган фарзанди Ҳамдам ноқобил чиқди. Ўғрилиқ кўчасига кирди. Ўғри бўлганда ҳам инсофсиз ўғри бўлди. Шундай бўлмаса...

Урайимжон ота умр бўйи меҳнат қилди. Оилани зўр-базўр тебратсада, фарзандларини бошқалар қатори кийинтирди, едириб-ичирди. Ҳамдам буларни ўйлаб кўрибди, дейсизми? Қаерда. Унга даста-даста пул бўлсаю, эркин қушдек шаҳарма-шаҳар кезиб, яйраб юраверса. Меҳнатга-ку умуман тоқати йўқ.

Ҳамдам шу йилнинг 1 март куни эрта саҳарда ўзи туғилиб ўсган уйга... ўғрилиққа тушди. Отаси йиллар давомида меҳнат билан йиққан ўн беш минг сўм пулни яширинча олиб, жуфтаниш ростлади.

Орадан ўн беш кун ўтказиб яна ўғрилиқни йўлади. Бу гал опаси Рўзихон Қўзиёеванинг уйини мўлжалга олди. Уйда ҳақ қим йўқлигидан фойдаланиб, газ горелкасини ўмариб чиқди. Риштонлик ноқобил шахсга 490 сўмга пуллаб юборди.

Ҳамдам атрофда санқиб юраверди. Уйдагиларга қорасини кўрсатмади. 22 март куни яна опаси Рўзихоникига келди. Ҳеч қим йўқлигига ишонч ҳосил қилган, санқибни бузиб, бахмал пардалиқ, Японияда ишлаб чиқарилган симли рўмол, шарф ва бошқа жами 2600 сўмлик молни ўмариб кетди. Ўз жигарбандиникидан ўғирлаган молларни Олтиариқ колхоз бозорида сотмоқчи бўлиб турган пайтида милиция ходимлари томо-

КЎРНАМАК

нидан ушланди.

Урайимжон ота ҳам, Рўзихон ҳам ўғрилиқ тўғрисида лом-лим дейишмади. Ҳамдамдан шубҳалари бўлсада, милицияни хабардор қилишмади. Қийин аҳволда қолишди. Хабар қилайлик, дейишса — жигарлари, индашмаса... Хуллас, уларнинг дарди ичда эди.

Ҳамдам илгарироқ эгри кўчага кириб қолган. Болалиқдан тарбияси бузилган. Мактабни амал-тақал битиргач, ҳеч қаерда ишламади. Осонроқ йўлни таналади. 1990 йилда ҳамқишлоғи Аббос Орифжоновнинг «Рига» велосмоторини ўғирлаб, 85 сўмга сотиб юборди. Ўғрилиқни фош бўлгач, бир ярим йилга озодликдан маҳрум қилинди. Лекин, бу унга сабоқ бўлмаган экан. Камоқдан қайтгач, ҳам ишламади. Ҳатто уйда яшамасдан, атроф туман ва қишлоқларида санқиб юраверди. Осонроқ туюлди, шекилли, ўз уйига ва туғишганлариникига ўғрилиққа кирди.

Кўрнамак фарзанд оппоқ соқолли падари бузрукворига, туғишганларига хиёнат қилди. Тубан йўлдан қайтмади. Тергов пайтида отаси нобол ўғилга қаттиқроқ чора кўрилса ҳам рози эканлигини айтди. Эҳ, бечора ота-я.

1971 йилда туғилган Ҳамдам Қўзиёев халқ судининг ҳукми билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Энди оила аъзолари беҳавотир яшайдиган бўлдилар, аммо...

Тожиқов МАМАДАЛИЕВ, Риштон тумани ИИБ терговчиси, милиция катта лейтенанти.

Зуфар СУЛТОНОВ, журналист.

САМАРҚАНД

«ТИЛЛА»УЗУК МАШМАШАСИ

Фарзанд туғилганда ҳар бир ота-она энг яхши тилакларини мужассамлантирган исм таналяди унга. Бироқ эндигина 18 ёшга қадам қўяётган Равшан ўз ҳаётини ўзи бўлгачи. У ўқимай, ишламай юриб, Шокир исмли қаллоб билан топишди. Тез орада «дўсти»дан нусха олиб, эгриликка ўрганади.

Улар Н. Пунтовадан ҳар донасини 50 сўмдан сотиб олган узукларини ялтира-

тиб, жило беришгач, тилладан деб сотишга киришдилар.

Ж. Нуриддинова 250 сўмга, М. Солиева 300 сўмга, М. Каримова 150 сўмга «тилла» узукли бўлишди.

Бундан илҳомланган Равшан тилла узуклардан бирини Т. Николаевага 400 сўмга пуллаётганида, Самарқанд шаҳар ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

ПИСТИРМАДА

Тун. Кўчалар жим-жит. Фақат пул топиш илнжидида юрган Олегнинггина уйқуси келмайди. Муволишда туриб чеккани чеккан. Узокдан кимнингдир қораси кўринди. Олег сергакланди. Қўланка яқинлашгач, пистирмадаги соя унга ташланди. Бир неча бор ургач, дағал овоз билан 1000 сўм талаб қила бошлади. Олег нотаниш ўлжасининг қўлларини қайириб, жазмани Светаникига судради. Ичкарида у жабрланувчининг қўлига қорғоз ва қалам тутқазиб, 1000 сўм

қарзим бор, деб тилхат ёзиб беришга кўндирди.

Бу билан Олегнинг ҳовури босилмади. Омбур, ниқоблар олиб Н. Муртазоевнинг хонадонига бостириб кирди. Ўй соҳибаси ва унинг қизига дўқ-ўпсислар қилиб, 3 минг сўмликдан ортиқ (эски нархда) тилла тақинчоқларини тортиб олди.

Самарқанд шаҳар ИИБ ходимлари қароқчинини қидиришга кўп меҳнат сарфладилар. Ниҳоят Олег Гоношилов суднинг қора курсисига ўтирди.

ДУХОБА КЕРАК ЭКАН

Мен Самарқанд шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида ишлайман. Вазифам Самарқанд шойи-тўқимачилик фабрикасида соқчилик қилиш.

(Айбланувчи А. Аббосовнинг кўрсатмаси).

Қурбонали ва Хусанлар Арслон қоровуллик қилаётган фабрикага келишди.

— Арслон, менга 30 метр духоба керак бўлиб қолди. Амалласанг-чи.

Арслон ўйга толди. Йўқ, қилолмайман деса бўларди. Афсуски, бунинг ўрнига:

— Мендан бошқа яна қоровуллар бор. Афғончилари нина ҳам олдиришмайди, — деди.

— Шундай дегин. Бўпти, кечаси учрашамиз.

Кечаси улар учрашдилар. Арслон Қурбоналини бўёқ цехи томон бошлаб борди. Қурбонали деразаларга ўрнатилган темир панжаралар-

ни ўзи билан олиб келган темир қайчи ёрдамида қирқиди, арқон боғлаб, цехга тушди. Ичкаридан ўрам-ўрам бахмал газламаларни Арслонга узатди. Сўнг цехга қандай кирган бўлса, шундай арқонга осилиб ҳовлига чиқди. Ҳамтовоғи билан бирга ўғирланган ўрамларни фабрика девори ёнига келтириб, кўчага иргитишди.

Аммо афғончи соқчилар уларни тутиб олдилар. Ҳисоблаб кўрилса, «азамат»лар 481 метрдан зиёд газмолни ўмармоқчи бўлишбди. Қизик, 30 метр духоба керак деган одам 451 метрини нима қиларкан?

«СОТМОҚЧИ ЭМАСМАН»

Тошкентга келган Станислав тўғри «Отчопар»га йўл олди. Яқшанба эмасми, тумонат одам. Ит эгасини танимайди. Станислав ўзига керакли нарсани қидириб, анча одамлар тўлқинида сузиб юрди. Унинг қарашлари, юриш-туришида қандайдир ўзига хослик бор эканини, бир йигит секин четга тортиб, хослик хизматини тақлиф этди. Хуллас савдо пишди. Ҳожатбарор йигит уни дарвоза ёнида кутаётган бўлди. Ўзига зарур нарсани топган Станислав шу заҳотиёқ ортига шонилди.

«Тошкент-Зарафшон автобусига чинта олиб, йўлга тушди. Уриндиққа чўкиши билан ухлаб қолди.

Автобус Нарпай туманидан ўтиб борарди. Мирбозорга етганда, ДАН ходимлари уловни тўхтатишди.

Юкларни текшираётган туман ИИБ ходимларини юкхонадан таралаётган галати ҳид бефарқ қолдирмади. Улар сумка эгасини суриштиришди. Станиславни йўлдан қолдириб, ИИБга олиб боришга тўғри келди. Экспертиза хулосалари Станислав Меркурьев олиб кетаётган 7 килою 900 грамм нарсанинг марихуана эканлигини тасдиқлади.

С. Меркурьевнинг ўзи суд-руҳий экспертизасидан ўтказилди. Маълум бўлишича, у аллақачон гиёҳвандга айланган экан.

Ўзининг айтишича, наша чекишни 1979 йилдан бошлаган. «Отчопар»да нотаниш кимсани ҳарид қилган афғонни ҳам фақат ўзининг эҳтиёжи учун олган. Бировга сотиш нияти умуман бўлмаган.

М. ИСРОИЛОВА.

Тавба денгу ёқа ушлани!

Пул ишлашнинг йўллари кўп. Ҳар ким иқтидорига яраша иш қилади. Мана, масалан, татар қизи Сягадатнинг ажойиб хислати бор. Ёлғонни шундай дундириб қўядики, ўзингиз кўргандек ишонасиз, вассалом. Яна унинг қўлидан келмаган иш йўқ. Бунинг устига шунақа мискин, гинасиз, таъмасиз. Ўзининг эмас, фақат бировларнинг оғирини енгил қилувчи фаришта, дейсиз. Энди Сягадатнинг амалда қандай мўъжизалар кўрсатгани ҳақида икки оғиз гапирай-а?

Фариштамиз бир парча ватанга зор Н. Йўлдошевани бошпанали қилишга бел болади. Аёлнинг яшаш тарзи билан танишар экан, унга икки хонали уй боқлигини англади.

— Улай агар ўзимга олсам. Бу пуллар оғиз мойлаш учун, ўртоқжон. Ҳаммасининг эгаси бор. Менга келганда, худо хоҳласа, янги уйларига жойлашиб олсангиз, химматингизга яраша, юрагингиздан чиқариб берарсиз. Бермасангиз, худо берсин менга. Савоби тегадику, барибир, ўртоқжон. Охиратни ҳам ўйлаш керак. Эҳ, нимасини айтасиз. Бу дунёда фақат бировга қилган яхшлигини қоларкан...

Тўғриси айтинг. Сиз ҳам ичингизда: «Барака топсин»,

— дедингиз-а? Мана шунақа Сягадат Мансуровна. Нуқул бировларга яхшилиқ қилмоқчи бўладию, афсус эпломайдида. Эҳтимол, қўлига пулни олмагунча ўй-фикри савобда бўлар-у, бироқ...

Бу гал ҳам шундай бўлди. Йўлдошеванинг 1700 сўмини кўртдек санаб, чўнтагини солди. Кейинчи дерсиз. Ёлғон бўлмасин, шўрликни рай-

барини кутиб сабр-тоқати тоқ бўлгунча, Сягадатнинг яна бир ишидан ҳикоя қилай. Бу сафар у Людмила Кимнинг ҳасратини диққат билан эшиттарди. Мабодо ижрокўмдагиларнинг ҳам уйга навбатда турганлар ҳасратларини Сягадатдай эшитиш қобилияти бўлгандами, эҳ-ҳе, арзу шикоятлар тенг яримга қисқардимми?



ижрокўм эшиги ёнида қолдириб бир эмас, икки маротаба ичкарига кириб чиқди. Биринчисиде биров билан уришиб, юз-кўзлари тунд қиёфада, иккинчи сафар эса яхши кайфиятда чиқиб, аёлни уй билан табрикларди.

— Бу ёғи осон. Озгина кутасиз энди. Яна бир-икки кирадиган жойим қолди. Худо хоҳласа, сизни уринтирмай, ўзим хабарини етказаман.

Н. Йўлдошева уйнинг ха-

Хуллас, фариштамиз Людмиланинг оиласи учун уч хонали уй ажратишга (ижрокўм қарори билан) қарор қилди. Ўзи учун эмас, ўша «нафс бандалари, порахўрлар» учун беришга 3800 сўм пул олди. Лекин ҳозиргина Л. Кимнинг ночор яшаш аҳволига юрагидан ачинган Сягадат тагин айниди. Пул теккандан кейин у ўзгариб қолишини билишганида, ҳалиги аёллар ав-

вал уйни олишарди, кейин пулни беришарди.

«Ҳожатбарор» Л. Ким ҳам-ёнини қоқлаб, кўздан ғойиб бўлаётганда, Н. Йўлдошеванинг сабр-қосаси синганди.

Фаришани савоблар маконидан қидириб топмаган оддий, ишонувчан аёл Қарши шаҳар ИИБга арз қилишга мажбур бўлди.

Уч хонали уйни ҳар кун тушларида кўраётган Людмила эса бесабр, шошқалоқроқ экан.

Н. Йўлдошева эшикдан чиқиб, тўрт қадам юрмасдан Л. Ким бўлимга кирди.

Фарибгарни топишни, пуларини қайтариб беришларини сўраб, милиция ходимларига шундай ёлворидики, уй олиш учун Сягадатга бунчалар ялинишмаганди.

Сягадат савобларга кўмилсам, эҳтимол қанот чиқариб, узоқ-узоқларга учиб кетаман, деб ўйлаганди. Бироқ у қаноти ўсмасдан бурун тажрибали изкуварлар домга илинди.

Лекин бировларнинг ҳожатини чиқариб ўрганган кўнгил яхшилиқ қилмаса туролмайди. «Фаришта»миз жазосини ўтаётган жойда ҳам кимларгадир муддатидан олдин озоодлик ваъда қилиб, савобга кўмилаётган бўлса, ажабмас.

Садафия ЛАЪЛИ.

ЎЗ ОЁФИГА БОЛТА УРДИ

Саттор анчадан бери ишламайди. Нима қилсин, бекорчи одамнинг миясига ҳар хил фикрлар келаваркан. У ёқ, бу ёқдан эшитганлари хаёлини ўғирлагани ўғирлаган. Бир кун Исломо шор номли қишлоқ кенгашида бош ҳисобчи бўлиб ишлаётган оғайнисининг олдига борди, маслаҳат сўрагани. Ўзи билан олиб келган «Жасорат» вивосини ўртага қўйди. Оғайниси кўп ўтмай тушликка чиқишини айтди. Саттор иштаҳаси йўқлигини баҳона қилиб, Бобомуроднинг хонасида қолди. Бобомуроднинг бир соатларсиз қайтмаслигига ишонгач, «Листвица» белгили ёзув машинкасига ўтирди.

Ҳурматли Юнусжон!

Сенга ўғриллар бошли-

ғи мурожаат қилипти.

Агарда яшайдан умидинг

бўлса, 10 минг сўм пулни

Нарпай кўпригининг та-

ғидаги учинчи устун ос-

тига ташлаб қўясан.

Агарда пулни бермасанг,

ё Сайфуллаевга ўхшаб

ўлиб кетасан, ёки бор-

йўннгдан айрилсан. Ма-

бодо меласига борсанг,

оила аъзоларингни, мол-

мулқингни, машинангни

қайта кўрмайсан. Ҳазил-

лашма.

Хўп, хайр. Салом билан

«КРУГ».

Эрталаб мол бозорига бориш учун дарвозадан ташқарига чиқдим. Соат 6 лар.

Дарвоза ёнидаги тош тағида хат ётганини кўрдим. Очиб ўқисам, 10 минг сўм талаб қилинган экан.

(Жабрланувчининг кўрсатмасидан).

Ҳа, ўшанда Юнус ака, дағдагадан иборат хатни икки уй наридаги қўшиниси Саттор ёзганлигини билмасди. Гумон ҳам қилолмасди. Дарров милицияга хабар берди. Айтилган вақтда пуларни кўрсатилган жойга қўйдию, ишониб-ишонмай охири кута бошлади. Эртаси кун эшитсаки, Нарпай тумани ИИБ ходимлари кўприк тағидан пул ўроғлик тутунни олаётган Сатторни ушлашибди.

Мен ўзим ишда бўлганим учун эрининг қаерларга боришини, кимлар билан улфатчилик қилишини билмайман. Тез-тез спиртли ичимликлар ичиб туради. Бу воқеадан 3—4 кун илгари «спортлото»га 10 минг сўм ютсам керак»,— деб гапирганди. Бироқ спортлото билетини мен кўрмаганман, кўрсатмаган.

(Айбдорнинг рафиқаси берган кўрсатмадан).

Саттор ишламай тишлашни орзу қилганди. Шунча ҳийла-найрангини ишга солди. Оқибатда эса ўзи қўйган тузоғига ўзи илинди. Ўз оёғига болта уриш, деб шунга айтсалар керак-да.

ҲИМОЯНИНГ АЖИБ УСУЛИ

Уйга келаётсам поччам

Ҳ. Ҳамроевнинг уйи олди-

да поччам Ҳ. Турсуновнинг

машинаси турибди. Нега

менинг уйимга кирмайдик?

Жаҳлим чиқди. У билан

гаплашмоқчи бўлдимда, раҳ-

матли отамнинг сурати ос-

тида осиллиқ турган мил-

тиқни олиб чиқдим. Агарда

кўпчилик бўлиб, менга

ташланишса, ўзимни ҳимоя

қиламан, дедим-да.

(Айбдор Т. Суюновнинг

кўрсатмасидан).

Илгари ҳам икки марта ўтириб чиққан Тоштурдиннинг феъли айнигандан-айниганди. Сал нарсига тажаниб бўлаверар, ҳеч кимни ёқтирмас, арзимаган баҳонада жанжални авжига чиқарарди.

Ўша кунни ҳам маст ҳолатда уйга қайтаётганди. Поччаларининг апоқ-чапоқлигига ғаш келдими ё бошқа сабаб бормиди, ҳарқалай милтиқни олиб чиқди. Нилини уларга тўғрилаб, дўқ-пўписига ўтди. Ҳақоратларга кўмиб ташлади. «Қариндошмиз-а, юзхотир қилгин»,— деган андишани билмади.

Машмашага Нарпай тумани ИИБ ходимлари чек қўйишди. Милтиқни зўравоннинг уйи текширилганда 51,2 грамм марихуана топилди.

Хуллас, қурол билан ашаддий безорилик қилгани-ю гиёҳвандлиги бир бўлиб, уни яна «қадрдон» жойларига етаклади.

Эҳтимол, у ростдан ҳам милтиқ ўқталиб, зўрлик билан поччаларини уйига киритиб, меҳмоннавозлик қилмоқчи бўлгандир-а?

М. ЭРГАШЕВА

ФАҲШ ҚУРБОНИ

беролмагандир, эҳтимол. Оилани бўлсада, кўчадаги дилбар билан айш қилиш истагидан титраб кетгандир ўшанда. Нима бўлганда ҳам фаҳш билан шуғулланишни ихтиёр этди. Ўзининг «ВАЗ-21011» белгили В 95-33 ЛБ рақамли машинасига Нарғиза ҳамда Баҳромалиларни ўтқиздида, рулни адирликка қараб бурди.

Исабой гафлатда қолди. Бу сафар Нарғиза унинг кучогини тўлдирмади. Аксинча, чап биқинига, кейин қулоғи орқасига ўқ тегди. Шу заҳоти ерга қулади.

Икки қотил эса мурданинг устига машинадаги кўрпачани ёпишди, кейин тупроқ тортишди. Нафасларини ростлаб олишгач, машина рақамини олиб ташлашдида, Рапқон қишлоғидан ўтган катта Фарғона канали бўйлаб Бешариқ тумани матлубот жамиятлари уюшмасига қарашли бўрдоқчилик базасига қараб шошилдилар. Машинани бу ердан 200 метрлар ичкаридаги боши берк кўчага олиб киришди. Учта ғилдирагини ечиб олишди. Шу туманлик фуқаролардан бири ғилдиракларни 4 минг сўмга, иккинчиси эса милтиқни 600 сўмга сотиб олди.

Айни куларда Бешариқ тумани прокуратурасида бу иш бўйича қўзғатилган тергов ҳаракатлари ниҳоясига етай деб қолди. Қонхўрликнинг ҳамма қирралари атрофлича ўрганиб бўлингандан сўнг ҳурматли муштариёларимизга бу ҳақда батафсил ҳикоя қилиб бериш ниятимиз бор. Аммо ҳозир бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз: мусулмончилик оламида зино ишлар билан шуғулланиш гуноҳлар ичида энг оғир ҳисобланади. Назаримизда, марҳум ана шу гуноҳнинг қурбони бўлди.



СУРАТДА: Бешариқ тумани ИИБ ЖК операкили, милиция катта лейтенанти Салоҳиддин Мирзоимидинов (ўнг томонда) қотилликда гумонланаётган Баҳромали Турғунов билан бирга воқеа жойини кўздан кечирмоқда.

Раҳмон АЛИ.

Нур БАДИА.

Хизматларда

«ҚҰРИҚЛАШ»

РЕЖА ПУХТА БЎЛГАЧ

Вилоятимиздаги қўриқлаш бўлими ва бўлиналарида 1992 йил учун пухта режа тузилган. Ходимларимиз шу асосда ишлаб, йилнинг уч ойи мобайнида кўзга кўринарли ишларни амалга оширишди. Биринчи навбатда назорат остидаги объектларнинг қай даражада эканлиги текширилди. Аниқланган камчиликлар юқори ташкилотлар раҳбарларига чора кўриш учун жўнатилди. Шу йўсиндаги тадбирлар (албатта корхоналарнинг ўз соқчилари ёрдамида) зое кетмапти. Тезкорлик туфайли объектларнинг бештасида ўғирликларнинг олди олинди, олти жиноятчи қўлга туширилди.

1992 йилнинг ўтган ойида Ҳаққулобод ип-йигирув фабрикасида ишловчи, Норин тумани ҳудудида яшовчи Э. Ш. корхонадан баҳоси

119 сўм 40 тийинлик газмол олиб чиқиб кетмоқчи бўлганида ИИБ қўриқлаш бўлимининг соқчи-назоратчиси Эйтибор Исмоилова томонидан тўхта-тилди ва унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Лекин олиб борилаётган ва қилинаётган тадбирлар баъзи шахсларга кор қилмаяпти. Ҳамон ўз билганларидан қолмаяптилар. Истеботи учун тўртта ташмачи бир йил давомида икки мартадан ўғирликка қўл урганликлари, давлат ва жамоат мулкни кўп миқдорда талон-торож қилганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилганликларини айтмоқчиман.

Умуман йилнинг ўтган чорагида 282 нафар майда ташмачи ушланди. Улардан тортиб олинган моллар 3516 сўмлик бўлди. Бунда Наманган шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими хо-

димлари фаолиятлари таҳсинга сазовор.

Милиция старшинаси А. Иминов ва милиция сержанти Т. Болтабоевларнинг сезгирлиги туфайли 28 март куни вилоятимиз ҳудудидан ноқонуний равишда бошқа республикага 1219 килограмм, умумий баҳоси 11584 сўмлик озиқ-овқат маҳсулоти олиб чиқилаётганида қайтариб қолинди.

Шулар билан бир қаторда ходимларимиз корхона ва ташкилотларда қўриқлаш хизматидан фойдаланиш, унинг афзалликлари тўғрисида қўллаб қизқарли суҳбатлар уюштиришмоқда, ўз фаолиятлари доирасида кенг жамоатчиликка ҳисобот беришмоқда. Булар албатта ўз самарасини кўрсатади, деб ўйлаймиз.

А. АЗИЗОВ,
Наманган вилояти ИИБ
ҳузуридаги қўриқлаш
бўлими бошлиғи, ми-
лиция полковниги.

ЖҚ



Ички ишларнинг энг қайноқ соҳаси жиноят қидирув, деб айтавериш мумкин ҳеч иккиланмасдан. Наманган вилояти Совет тумани ИИБнинг шу соҳа ходимлари ҳам ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиб келишган бу ерга. СУРАТЛАРДА: ЖҚБ оператив вакили, милиция катта лейтенанти Ҳожимамаат Қурбонов, катта оператив вакил, милиция кат-

та лейтенанти Моҳиржон Аҳмедов ва оператив вакил, милиция лейтенанти Абдумажид Ахроровлар (ўнгдан сурат). терговчи, милиция капитани Ҳалимжон Умаров (чапда) ва ЖҚБ бошлиғи, милиция капитани Адашали Қамбаровлар ўзаро маслаҳатлашмоқда. Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.

АХЛОҚ ТУЗАТИШ

Ўзбекистон Жумҳурияти жиноят мажмуасининг 23-моддасида «алоҳида оғир жиноятлар содир этган, жуда оғир оқибатларга олиб келган жиноятларга қўл урган шахслар 3 ойдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилинади» дейилган.

Қасддан оғир бўлмаган жиноят содир қилганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар эса умумий режими колонияларда жазони ўтайдилар.

Ана шундай умумий режимли колониялардан бири. — УЯ 64/29 муассасаси қайтадан тикланган Навоий вилоятининг маркази Навоий шаҳрида жойлашган. Бугунги кунда бу муассасада ҳуқуқи қонун йўли билан чекланган фуқаролар — яъни маҳкумлар жазо муддатини ўтамоқдалар.

Маълумки, маҳкумларнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатлари маъмурият томонидан назорат остига олинди ва улар озод этилгунга қадар белгиланган ички тартиб-қоидаларга риоя қилишга мажбурдилар.

Мазкур тадбирлар, чеклашлардан кўзда тутилган мақсад фақат содир этилган жиноят учун жазо беришгина эмас, балки маҳкумларни тузатиш, уларни меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, қонунларни бажариш, жамоат тартибларини ҳурматлаш руҳида қайта тарбиялаш, ҳамда улар томонидан қилиниши мумкин бўлган янги жиноятларнинг олдини олишдир.

Ана шунинг тўғри тушуниб етган маҳкумларнинг аксарият қисми илгари «ташқарида» содир этган

жиноятдан пушаймон бўлиб, жазо ўташ жойларидан муддатидан олдин шартли равишда озодликка чиқиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун курашадилар.

Шу йилнинг 4 ойи ичида УЯ 64/29 муассасасида жазо ўтовчи ана шундай кишилардан кўпчилиги ўзларидан «маҳкум» деган тамғани олиб ташлаб, маъмурият тавсияномаси ва Навоий шаҳар халқ судининг ажримига кўра ота-онаси, турмуш ўртоғи, жакжи фарзандлари, қариндошлари қучоғига қайтидилар, яъни шартли равишда жазо ўташ жойидан озод қилинди-лар. Айримларга эса халқ ҳужалиғи долзарб қурилишларида иш-

лаш шарти билан озодлик насиб этди.

Лекин бу илиқ гапларни ҳамма маҳбусларга нисбатан ҳам айтиб бўлмайди, чунки белгиланган жазодан тўғри хулоса чиқармасдан, муассаса маъмурияти ҳамда ички тартиб-қоидаларга итоат қилмасдан, ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаси фаолиятини ҳар қандай йўл билан бўлсада издан чиқаришга интилаётган шахслар ҳам учраб туради.

Улар гайриқонуний ҳаракатлари билан ўз тақдирларини чигаллаштираётганларини, жазо ўташ муддатларини узайтириш томон бораётганлигини тушунмайдилар ёки тушунишни хоҳламайдилар. Эҳтимол бу ҳам бир «касаллик»дир. Лекин бу «касаллик»ни даволаш жумҳуриятимизда амал қилаётган қонунларда кўзда тутилган. Бинобарин Ўзбекистон Жумҳурияти жиноят мажмуасига

ЎзССР Олий Совети Президиумининг 1983 йил 20 сентябрь Фармонида асосан 166-3 сонли қўшимча модда киритилган.

1991 йил ва 1992 йил 4 ойида УЯ 64/29 муассасасида жазо ўтовчи, тузалиш йўлига киришни ис-тамаган, маъмуриятнинг нормал фаолият юритишига тўсқинлик қилган 3 маҳкумга нисбатан жиноят мажмуасининг 166-3 моддаси 1-қисмига кўра прокуратура ва маъмурият томонидан жиноий иш қўзғатилиб, жавобгарликка тортилдилар.

Ана шундай маҳкумлардан бири 1961 йил Бекобод шаҳрида туғилган Ҳикматулла Қорабоев.

ИККИ ЙЎЛ

дир. У ёш бўлишига қарамасдан илгари уч марта судланган: 1989 йил октябрь ойида, яъни шу муассасага келганидаёқ ички тартиб-қоидалар билан таништирилган, уларни бузмаслик ҳақда оғоҳлан-тирилган. Лекин жазо ўташ тартиб-қоидаларга риоя қилмасдан, муассасага келганидан беш йилдан 22-мартга интизомий чорага тортилган, шу жумладан 3 марта камера типидagi хонага ўтказилган.

Камера типидagi хонадан чиққан сўнг ҳам ҳамма маҳкумлар қатори ишга чиқмасдан, ўзбошимчалик билан санитария-тиббиёт бўлимига жойлашиб олган. Маъмурият ходимлари ва назоратчиларни обрўсизлантириш учун ҳаракат қилган.

Навоий шаҳар халқ судининг 1992 йил 3 апрель ҳукмига кўра Ҳикматулла Қорабоев Ўзбекистон Жумҳурияти жиноят мажмуасининг 166-3 модда 1-қисми билан

айбдор деб топилиб, 2 йилга озодликдан маҳрум этилди ва умумий режимдаги жазо ўташ жойи — қаттиқ режимдаги ахлоқ тузатиш муассасасига алмаштирилди. Суд мажлиси якунида Қорабоев ўзинга охириги сўз берилганидан фойдаланиб, сўнгги қилмишларидан пушаймон эканлигини билдирди ва жазони енгиллаштиришларини илтимос қилди. Лекин бу пушаймон кечиккан эди...

Истардимки, нафақат Навоий шаҳрида, балки жумҳуриятимиздаги барча жазо ўташ жойларидаги маҳкумлар икки йўлдан биринчисини, яъни озодликка чиқиш йўлини танлашиб, яқиндагина мустақилликка эришиб, дастлабки қадмларини ташлаётган серқуёш Ўзбекистонимизнинг қудратини мустақамлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшсалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жаҳон миллатлар ҳам-жамятига аъзо бўлганлик муносабати билан Авф тўғрисидаги Фармони ҳам бу ғамхўрликнинг яққол исботидир.

Лекин ушбу Авф белгиланган енгилликлардан Ҳ. Қорабоев кабилар баҳраманд бўлолмайдилар. Бас, шундай экан, жазо ўтовчи шахслар халқ ибораси билан айтганда, дўппини бошдан олиб қўйиб, чуқур мулоҳаза юритишлари лозим. Маҳкумларнинг қариндошлари, яқинлари уларни тўғри, тузалиш йўлига киришларида маъмуриятнинг энг яқин ёрдамчилари бўлишлари керак.

Юсуф МУСАЕВ,
Навоий шаҳар прокурорининг ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат бўйича муовини, 1-даражали ҳуқуқшунос.

ППХ

Тунда узилган ўқ

Соқчилик хизматини ўтаётган Урганч шаҳар ички ишлар бўлими вояга етмаганлар билан ишлаш назорияти инспектори милиция лейтенанти Даврон Дўсқонов, қўриқлаш хизмати инспектори милиция сержанти Искандар Ражабов ва пост-патрул хизмати милиционерни Қўтлимурод Рўзметовлар шаҳарнинг 3-даҳасидаги автомашиналар турар-жойи қоровули ёнига бордилар. Озгина мизғиб олган қоровул кўзларини уқалаганча уларга пешвоз чиқди.

— Тинчликми? Ҳеч гап-сўз йўқми? — сўрашди йигитлар қоровулдан.

— Йўқ, — деди қоровул. Шу пайт яқиндаги уй хонадонларидан бирининг деразаси қаттиқ тақиллади. Чамаси тош отилган эди. Бу соқчилар эътиборини тортди.

— Нима экан у? Кимдир тош отди чоғи? Сизлар уйнинг нариги томонидан боринглар. Мен тўғридан ўтаман, — деди Қўтлимурод ҳамкасбларига.

Шу пайт кичик электр станцияси ёнида турган «Ява» белгили мотоциклда 2 киши пайдо бўлди. Йигитлар улар томонга тез-тез юриб боришди. Мотоциклдагилар формали ходимларни кўргач, «Ява»ни ўт олдириб, катта тезлик билан қочиб қолди. Шу пайт қўтилмаган воқеа юз берди. Кичик электр станциясининг нариги томонидан турган автомашина шитоб билан соқчилардан бири — Искандар Ражабовнинг устига қараб бостириб кела бошлади. Искандарнинг автомашинага чап беришдан бошқа иложи йўқ эди. Шу боис ҳам у ўзини йўл четига олди. Уларни қандай бўлмасин қўлга олиш зарур эди. Нарироқда турган Қўтлимурод Рўзметов автомашина қаршисига чиқиб, тўхташ ишорасини

қилди. Машина тўхтади. Гумондорларни қўлга олиш учун Искандар Ражабов ва Даврон Дўсқоновлар ҳам етиб келишди.

— Кимсизлар? Тунда нима қилиб юрибсизлар? Ҳужжатларингизни кўрайлик, — сўради Искандар олдинги ўриндиқда ўтирган кишидан.

Ўтирган киши эса ҳужжат ўрнига қирқма милтиқни тўғрилади. Искандар қуролини зарб билан уриб юбордида, ўзини автомашинадан тортиб олди. У эса плашини ечиб қочди. Даврон келиб, ҳайдовчи эшигини очди. Аҳволнинг жиддий тус олганини сезган ичкаридагилар машинага газ беришди. Автомашина олдида турган Қўтлимурод: «Қаерга қуён бўлмоқчисизлар?», — дедида ўзини капот устига ташлади. Гумондорлар автомашинани катта тезликда илон изи қилиб ҳайдаб кетишди. Улар милиционерни машинадан улоқтириб, қочиб қолдиш учун шундай қилишаётганди. Қўтлимурод бунга йўл қўймасликка ҳаракат қилар, ойна тозалагични маҳкам ушлаб олганди. Бир қўллаб шахсий қуролни олдида, машина ойнасига зарб билан уриб чилпарчин қилди: «Машинани тўхтатинглар, бўлмаса отиб гашлайман!», — дея бақирди. Кўп ўтмай милтиқ товуши эшитилди. Қўзлари қонга тўлган жиноятчилар иккинчи қирқма милтиқ билан Қўтлимуродни отган эдилар. Оғир тан жароҳати олган соқчи ерга қулади.

Жиноятчиларни топиш учун вилоят ички ишлар бошқармаси ва Урганч шаҳар ички ишлар бўлимида шошилинч гуруҳ тузилди. Натijaда гумондор шахслар қўлга олинди.

Б. МАШАРИПОВ.

Жиноят: сабаб, натижа, оқибат

Даъвогар сушт кетса, қози муттаҳам бўлади. Аслида доно халқимиз тўғри чиқарган мақолу маталлар тўғрилигини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Аммо шундай бўлсада, битта мисол келтирмоқчимиз.

Бахтиёр Аҳмедов Андижон вилоятининг Балиқчи туманида 1967 йилда туғилган. Оилали, битта фарзанди бор. Аммо бирор жойда ёлчилик ишлаган. Ҳибса олинганга қадар Сирдарё вилоятининг «Оқ олтин» туманидаги Собиржон Сиддиқов номи давлат хўжалиги ҳудудида яшаб келган.

Ўтган йил май ойида у Наҳиддин Нисозов, яна тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган, ўрис миллатига мансуб йигит билан ўзаро тил бириктириб, ўғрилиққа қўл урган. Тахминан тунги соат 24 лар атрофида Гулистон шаҳрининг Улуғбек кўчасига боришди. 7-уй дарвозаси олдида шу хонадон соҳиби Рустам Абдушодиқовнинг «ВАЗ-21061» белгили А 97 ОЗ СИ рақамли машинаси турарди.

Бахтиёрнинг бунақа ишларга суяги йўқ эди, қиссадан рўзгор қайчиси чикарди ва унинг ёрдамида машина эшигини қийналмай очди. Орадан ҳеч қанча ўтмай ўша улов янги «эгалари» бошқарувида номаълум тарафларга олиб кетди. Бу пайда Рустам «тойчоқ»дан ажралиб, 9 минг 142 сўмлик моддий зарар кўрганидан мутлақо беҳабар хуррак отиб ўхлаб ётарди.

«11 май кунини ишдан қайтиб келгач, машинанинг эшикларини қулфлаб қўйдим, дарвоза олдида қолдирдим. Эрталаб уйғониб қарасам, жойида йўқ. Дарҳол Гулистон шаҳар ички ишлар бўлимига хабар қилдим».

Жабрланувчи Р. Абдушодиқов кўрсатмасидан. Рустам машинани қачон ва қандай қилиб сотиб олганини бизга қоронғу, ҳар ҳолда бир неча йиллар да-

вомида ейиш-ичиш ҳамда кийинишдан қисиниб, тоғанини иложи борица тежаб, уловли бўлгандир. Ҳар ҳолда, айниқса, ўзбеклар учун тўртта ғилдиракли бўлиш осон эмас. Аммо бир нарсани аниқ биламизки, ўша кўргулик бошига тушгач, то бир ёқли бўлгунча ўзини қўгани жой тополмай юргани аниқ. Ҳозирги тақчиллик ва қимматчилик замонида битта товуғи йўқолса ҳам одамлар милиция-милиция чопиб юришибди. У эса бутун бошли «Жигули»сини бервориб, чапак чалиб қолган.

Энди машина ўғрилари ҳақида. Улар учовлон ниҳоятда хурсанд эдилар. Ахир, бир кечанинг ўзида катта ўлжани қўлга киритишди. Гўёки туяни ютиб, думини кўрсатишмади. Қойил! Эн-

ДАЪВОГАР СУСТ КЕТСА...

ди бу «тойчоқ»ни бирортасига пуллаш керак. Кўриб-сизки, ҳар учовлонинг хонадонидеги қозонда ҳар кунини ёғли гўшт қайнайди анчагача. Ишламай тараллабедод қилиб юриш мумкин.

Шу мақсадда улар «Жигули»ни Андижон вилояти томон учирдилар. Шериклари йўлда тушиб қолишди. Бахтиёр эса ота-онасининг уйига кириб борди. Ўшангача машинанинг орқасидаги ва олдидаги давлат рақамларини ёчиб олганди.

— Яхши келдингми, ўғлим? — деб сўради Жўрабой ака ўғлига синовчан тикилиб. — Машина кимники?

— Зарур бўлиб қолганди, бир ўртоғимникини миниб келдим, — деди ўғил.

Аммо ота ҳеч қаерда ишламай юрган фарзандининг гапларига ишонмади. Ҳаёли аллақайларга кетди. «Аслида ўзимда ҳам айб бор. Бошида қаттиқ турмадим. Ишқмас, дангаса бўлиб ўсди. Энди эса панд-насиҳат-

ларим чивин чаққанчалик таъсир қилмайди. Ким билди бу қанақа машиналигини? Олдини олмасам бўлмайди», — деб ўйлади ва иссиғида ўзлари яшаётган Балиқчи тумани ИИБга йўл олди. Бор гапни айтиб берди.

«Кейин уйимизга милиция ходимлари келишди. Мени ва машинани олиб кетишди. Тергов жараёнида уни Сирдарёдан ўғирлаб келганини тан олдим. Аммо бирорта жойини чизилмаган ҳатто. Қандоқ бўлса, шундоқ турибди, дедим. Шерикларимнинг қаердалигини эса чиндан билмасдим...»

Судланувчи Б. Аҳмедов кўрсатмаси.

Хуллас, жабрланувчи Рустам Абдушодиқовга милициядан хабар қилишди. Машинаси Андижоннинг Ба-

енгиллик беришларини сўради.

Уни-ку тушунса бўлади. Чўкаётган одам сув юзасидаги хасга ёпишаркан. Жон ширин-да. Кўпинча шундай ҳол такрорланади. Дастлабига мўмай даромаддан кўз узолмай, ҳалол, ҳаром деган тушунчаларнинг фарқи-га бормай жиноятга қўл уришади. Кейин эса...

Майли, судланувчини қўя турайлик. Жабрланувчига сўз берилди. Рустам Абдушодиқов бўлган воқеаларни бир-бир айтдию охирида ҳар қандай кишининг ҳам қулгисини, ҳам жаҳлини чиқарадиган гап қилди.

— Машинанинг бирор жойига шикаст етмаган. Шу боис судланувчига ҳеч қандай даъвоим йўқ. Енгиллик берилишини талаб қиламан, — деди.

Эҳтимол у эндигина 25 ёшга кирган йигитчага, эҳтимол унинг ўзидан ҳам ёш турмуш ўртоғига, эҳтимол фарзандига раҳми келиб, одамгарчилик қилгандир. Эҳтимол бағри кенг, кечиримли эканлигини исботламоқчи бўлгандир. Барибир унинг фикри билан келиша олмайдим. Чунки ақли-хуши жойида йигитлар жиноятга биринчи бор қўл урганда, яхшилаб танобини тортиб қўйилмаса, кейин эгри йўлдан қайтариш қийин кечади. Бу ғамхўрликни улар эртасигаёқ эсдан чиқарадилар. Навбатдаги жабрдийдалар милиция бўлимига фарёд чекиб келаверади. Наҳотки, Рустам Абдушодиқов шуларни ўйламади? Наҳотки, ўзининг еган-ичгани татимай юрган қўнларни, гулистонлик ва балиқчилик тартиб посбонлари оворагарчиликларини зумда унутиб юборди? Бунақа тантилик кимга керак?

Суд Бахтиёрни жиноят мажмуасининг 125-моддаси 2-қисми билан уч йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

Тупроғинг енгил бўлсин

Абдурашид жон талвасасида тупроғини тепкисини кетма-кет босди. Жиноятчиларнинг бири оёғидан, иккинчиси қоридан яраланди. Барибир олишув Абдурашиднинг ўлими билан якуни топди.

Қотиллар ўша кунинг ўзидаёқ қўлга олинди.

Абдурашид Назаров — Китоб тумани ИИБ волга етмаганлар билан ишлаш бўлиминининг мавзе назоратчиси, милиция капитани. Буларнинг барчасини битта сўз — марҳум сўзи қаро ерга тикди.

Абдурашид эндигина 34-баҳорни қаршилаган эди. 34-баҳорни уни узлатга кузатиб

қўйди. Уч фарзандини уйлаш-жойлаш пешонасига битмади. Ўн икки йил халқини маразлардан ҳимоя қилди. Аммо ўзи ҳимояланмаган экан. Тақдирнинг тоши шунчалар оғир.

Бугун 55-кун. Унинг руҳи безовта. Қотилларнинг тепасида муаллақ турибди. Адолатли жазо уларнинг ёқасидан олсагина тинчиди.

Абдурашид, сен билан бирга ёру биродарларинг, оиланг, болажонларинг, ҳамкасбларинг ҳам ҳаётингга зомин бўлганлар учун олий жазо тилайди. Тупроғинг енгил бўлсин, илоҳим.

Эркин САТТОРОВ.

«Эшитдингми, Рашид қазо қилибди!»
«Нима дейсан?»
«Рост...»

Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Ахир, шундоқ ажойиб йигит-а.

Афсус, у кетди. Кутилмаганда. Унинг ўлими ҳақидаги муз хабар ҳамкасбларининг қалбига тиз каби совуқ ботди. Ботди-ю, алам ўчоғига ўт қалади.

Биласизми, у одил эди, саҳий эди, раҳмдил эди. Ҳали ҳам ишонгим келмайди. Аллоҳ ҳам суйган бандаларини ҳузурига вақтлроқ чорлар экан, шекилли...

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи милиция майори Баҳром Амиркулов шундай дейдию, надомат билан бош чайқайди.

— 26 март кунини Абдура-

шид навбатчиликда эди. Эртаси кунини уйига йўл олган. Уйда ҳам кўп турмаган, қайтиб чиқмаган ҳам... Жиноятчилар уни пойлаб юришган экан.


...Улар икки киши эди. Бири 24, иккинчиси 22 ёшда. 24 ёшли йигит аввал ҳам судланган. Ўша машғум 27 март кунини улар Абдурашиднинг уйига бостириб киришди. Бир мақсад — қўлларини қонга бўйиш учун ёпирибди киришди. Абдурашид чиқиб кетишни талаб қилди, ўшқирди. Кор қилармиди? Аксинча, босқинчилар қўлида пичоқ ялтиради. Бир зум ўтмай ялтироқ нур алвон ранг билан йўрилди...

СПОРТ

Рақиб билан кураш ҳар доим ҳам ғалаба билан якунланавермайди. Хавфли жиноятчинини қўлга олиш эса янада мушкул. Бунинг учун милиция ходими ниҳоятда эгчил бўлиши, лозим бўлса кескин ҳаракатлар қилиб, рақибни доғда қолдириши зарур. Хабар қилганимиздек, яқинда айни шу мақсадда «Динамо» спорт жамиятининг «Пахлавон» спорт клуби залида ички ишлар идоралари вакиллари ўртасида қўл жанги бўйича шаҳар биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда милиция ходимлари ўзларининг эгчилиги маҳоратларини намойиш этишди.

СУРАТЛАРДА: ниҳоятда қизиқарли ўтган ва томошабинлар олқиниға сазовор бўлган мусобақадан лавҳалар.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.



Постда

Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ.



Телефонлар: муҳаррир —

54-37-91, муҳаррир ўрин-

босари — 39-77-23, муҳ-

бирлар бўлими — 59-26-56,

59-20-92, умуий бўлим —

59-21-21.

Обуна рақами — 64615.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Тошкент, Лопат-

тин кўчаси, 1.

• Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. • Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. • Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин. • Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмаҳонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида, А-3 қолипда босилган.

Босмага бериш вақти 18.00.

Босмага берилади 17.00.

13002 нусхада чоп этилади.

Буюртма — № Г—96.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

Таклиф, мулоҳаза, мунозара

Хар доимгидек «Туркистон» рўзномасининг шу йил 28 апрель кунги сонини қўлимга олдимда, иштиёқ билан варақлай бошладим. Учинчи саҳифадаги «Хиёнатни кечиргандим...», деган сарлавҳага кўзим тушди. Охиригача ўқиб чиқдим. Турсун Худойназаров деган менга номаълум юртдошим бошидан кечираётган қаро кунларни (назаримда шундай, бошқача бўлиши мумкин эмас) айтиб, юрагини кемираётган дард-ситамларини тўкиб солганди.

Дунёда эркак киши йиғламсин. Аммо унга жинсдош бўлганим учуним, ҳарқалай Турсун Худойназаров ўшанданда оғирроқ дард оғушида эзिलाётганини ҳис қилдим. Биламан, эркак кишининг миждасига ёш тўлмаса, тошбағр экан деб ўйламанг, унинг қалби йиғлаётган бўлади. Акс ҳолда, бу бечора ҳам мусибатларини бошқалар олдига дастурхон қилиб ёзмаган бўларди.

Табиий, бунақа нарсаларни ўқиган ёки эшитгандан сўнг ўзингча муаммо ечимини топишга ҳаракат қилсан, киши. Лекин мен бошқача йўл тутдим. «Хиёнатни кечиргандим...»нинг остидаги «Кечириб, гуноҳ қилгансиз» номи муносабатни ўқиб чиқишга ва ўша муносабат билан ўз хулосаларимни таққослашга қарор қилдим. Кўзларим Муассар Мансур қизи қаламидан тўкилган сатрлар узра ўрмалай бошладим ва ниҳоят сўнгги нуқтага ҳам етиб келдим.

Эҳтимол баъзилар «Туркистон» мавзусини «Постда» да давом эттириш шартмикин, деб эътироз билдиришар. Бу саволга кейинроқ баҳолиқудрат жавоб қилмоқчиман, ҳозир эса «Кечириб гуноҳ қилгансиз» мақоласи юзасидан ўз нуқтаназаримни баён этай.

Тўғри, Муассар ҳақ, айниқса, ўзбекларда бошқалардан фарқли ўлароқ ғу-

рурнинг баҳоси чексиз. Миллиция фаолиятидаги озми-кўпми тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, эсли-хушли одамлар ўрта-сида тасодифан юз берадиган низоларнинг сабаби ҳам шу — ғурурнинг топтилиши. Агар у эркак ва аёл муносабатлари доирасига қурилган бўлса, кўп ҳолларда янада оғир оқибатларга олиб келади. У шундай нозиклик ва таранглик кашф этадими, кутмаган лаҳзада чирт этиб ўзилиши мумкин. Ва биз айни пайтда ана шу ғуруримиз билан фахрланишга ҳақлимиз.

Тўғри, кўпчилик хотинини

Ва шу билан баалога қолади. «Золим»га чиқади бечора. Қонунлар унга қарши ишлайди, минбаъд хиёнаткорга қарши эмас.

Ана шундай тартиб ҳозир ҳам ҳукмрон. Шўро даврида эр ва хотин ҳуқуқлари тенг қилиб белгиланди. Аммо семазликни қўй кўтарар экан. Шаллақи ва шармандалар бундан устомонлик билан фойдаландилар ва ориятли эркаклар бўйнига миниб олишди, қўпол қилиб айтганда. Мен бу таъналаримни билдириш асносида иффатли, ҳалол ва садоқатли аёлларимиздан узр сўрайман, модомики, улар ҳа-

АДОЛАТГА ХИЁНАТ

хиёнат «устиде» ушлаб олса «қўлдирардим» ёки юртга шарманда қилиб, ҳайдаб юборардим» деб жавоб қайтаришади. Турсунбой-чи? Ушундай эркаклар сирасига кирмайдими у? Қиради. Нега унда ўшанақа қилмади? Ана шу хусусда кўпроқ бош қотириш лозим эди.

Бўладиган гапни айтганда, турғунлик йилларига тош отавериш ҳаммамизнинг жонимизга теги. Чийдан ҳам қуруқ сафсатабозлик бу. Аммо на иложки, ҳали ҳам ўша йиллар асоратидан қутилмаган бўлсак! Биргина мисол, турғунлик йилларида амал қилган қонунлар ҳали ҳам ўз кучини йўқотган эмас. Уша пайтларда, тасаввур қилинг, кимдир хотинини хиёнат устида ушлаб олди. Мутлақо қутилмаганда. Хотин эса ҳар сафар фахш олдидан шундай бўлиши мумкинлигини ҳеч бўлмаса ҳаёлидан ўтказмади. Маълум даражада тайёргарлик ҳам кўриб қўяди ўз «номусини муҳофаза қилиш» учун. Эр эса бундан беҳабар унга тарсаки тортади.

қикий аёл деган сўзга (назаримда фаришта маъносини англатувчи иборага) муносибдирлар.

Яна ойномаю рўзномаларда кўп ёзилди. Айрим хотинлар номаҳрам билан яқинлашиш гуноҳи азиямизини билатуриб, фикридан қайтмайдилар. Ниҳоят, ўша кун келадия оила барбод бўлади. Қонунларимизнинг «адолатли»лигини қарангки, хиёнатга гувоҳ бўлган эр жабр кўради, жуфти ҳалоллини (қачонлардир шундай бўлганда) йўқотади, ширин фарзандларидан жудо бўлади, уй-жойидан бе-насиб этилади. Хиёнаткор хотин эса ҳаммасига эришади. «Ёлғиз она» деган унвонини ҳам олади. Ҳа-ҳа, ишонаверинг, бу ерда хато кетмадим, бу ном унинг учун унвон, негаки қатор имтиёзлари бор.

Энди ўйлаб кўринг, Турсун ҳам ана шуларни ўйлайвериб, ориятини, ғурурини «йўқотиб» қўймадимикан! «... Ростини айтсам, икки

ўртада болалар талаш бўлаётганига ҳам ишонмайман. Уй талаш бўляпти, деб ёзсангиз тўғрироқ бўларди...» дейди Муассар Мансур қизи. Менимча, бу ўлганининг устига тепган билан баробар. Эркакларни ҳам тушуниш керак, уларни туғмаслиги учун бемехрга чиқариб қўйиш ярамайди. Шундай ўйлайманки, улар ўз пушти камаридан бўлган фарзандига энг ширин орзуларини, ниятларини боғлайдилар. Ўғиллари билан оналар пинҳона ғурурланса, улар ошқора фахрланадилар. Ишончим комилки, Турсун ҳам асосан болаларини эслаб эзिलाпти. Эҳтимол у ўзгалар олдида йиғлай олмайгандир, аммо қалби фарёд соляпти унинг!

Майли, Турсунки хиёнатни кечирганилиги учун ўз тинчлини ғурурдан устун қўйганликда айблайлик. Аммо у ҳалол ва покиза эди хотинию фарзандлари олдида. Уша фарзандлари ўсаётган уйни табаррук маскан деб биларди у. Хотини эса ўша табаррук масканин булғаб, эрию болаларига хиёнат қилди. Агар унга фарзандлар керак бўлганида, минбаъд бундай йўлга юрмаган бўларди. «Одил суд» эса ҳаммасини унинг фойдасига ҳал қилди. Қани бу ерда адолат? Тўғриси айтганда, хотин эрига хиёнат қилгани киб даврга мос келмай қолган қонунларга асосланган суд адолатга хиёнат этди.

Энди юқоридаги саволга жавобимни айтай. «Постда» газетаси ана шундай ҳақсизликларга чек қўйишнинг бирдан-бир йўли қонунларимизни мустақил давлатимиз халқлари ҳусусиятидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, деб билмоқда. «Туркистон» рўзномаси ҳам Турсунбой бошига тушган кўргуликни таҳлил этаётди, ана шу мавзуга эътибор қаратганда, улуг иш бўлур эди.

Алп ЭРДОН.

УМИДДАН
ВОЗ КЕЧМА!

«Постда»нинг шу йил 29 апрель кунги сониде қашқадарёлик Латофатнинг «Икки йўл қолди» сарлавҳали макубини изтироб билан ўқиб чиқдим. Ушандан бери ҳушим ўзимда эмас. Қарахтман.

Тавба, қандай замонда яшаймиз ўзи! Кимлардир тирноққа зор, кимлардир уни зор қилади! Кимлардир болалар уйдан ўзи учун етти ёт бегона норасидаларни тарбиясига олиб, отоналик меҳрини бахшида этгиси келади, кимлардир ётқидошидан дунёга келган етимларни хўрлайди. Бу қандай бедодликки, ана шу икки тоифадагиларни ҳам ИН-СОН деган умумий сўз билан атаймиз!

Латофатнинг ўғай онасига нима етишмаяпти ўзи? Наҳотки, оддий аёллик фазилатларидан маҳрум бўлган бу хотинга нисбатан ОНА деган мўтабар сўзни ишлатиб бўлсал!

Миллицияда хизмат қиладиган ОТАНИ олинг. Наҳотки, одам шунчалар лоқайд, бепарқ бўлса! Ўз фарзандлариники жоҳилдан асрай олмаётгани, кўча-кўйда жиноятларнинг олдин олаётганига шубҳам бор мени. Назаримда у умр йўлдошигаю кўзидан жолалар оқизиб яшаётган қизларига бўлган меҳр-муҳаббатини биринчи хотини билан қўшиб, қўшиб юборган, шекилли. Энди эса аросатда ва қиёматда қолган ўқсик фарзандлари ҳаққи ҳар иккисига ҳам худойим инсофу виждон берсин, дейман.

Азиз Латофат! Тўғри, мен сени танимайман, сен мени. Аммо ҳисоблагинки, Тошкентдай шаҳри азиямда сабоқ олаётган номаълум опанг бор. Насиб этса, танишармиз.

Кўнглингга олмагину сенга раҳмим келяпти. Начора, ожизман. Бугун чиқмаган жондан умид, қабилда бир икки маслаҳатларимни бермоқчиман.

Пешонамда шу ёзилган экан, меҳрибонинг — волиданг оламдан эрта кўз юмибдилар (жойлари жаннатда бўлсин илоҳим). Сен энди ризқи ярим ҳолатда ўтиб кетган онанг учун ҳам яшашга мажбурсан. Отангинг хотини (ўғай онанг дейишга ҳам тилиб бормайди) зуғум ўтказётганда, ўз онажонингни ўйла! Ишонаманки, у зотнинг руҳи сенга мададкор бўлади.

Мен кўрмаганман, билмайман, аммо ўйлайманки, онажонингда ҳаёю ифбат, салимийлигу андиша, эътиқоду имон мужассам бўлган. Ва у ана шу фазилатларини сенгаю опа-сингилларингга мерос қилиб кетган. Она меросини фарзанд кўз қорачигидек асраши керак!

Доимо умид билан яша, яхши кунларда яхши одамларга рўбарў келишингни ният қилиб яша, адашмайсан.

Жонга тегиб кетса ҳам ҳаёт, Сен ноумид бўлма ҳеч қачон! Қаро кунлар ўтади ақбат, Яхши кунлар келади, ишон!

Латофат НОМОЗОВА,

МАРДЛАР РУҲИГА ТАЪЗИМ

Чернобил фожиаеи ҳали-ҳануз ҳеч кимнинг ёдидан чиққан эмас. Кўплар 1986 йилнинг апрель ойида рўй берган фалокат асоратларини ҳамон тортиб келмоқдалар.

Худди шундай фожиа бундан ўн беш йил муқаддам Ўзбекистонимизда — Фарғона нефтини қайта ишлаш корхонасида ҳам юз берганди. Ушанда бутун шаҳар «тигисиз ё» исканжасида қолиб кетиши мумкинлигини сезган ўт ўчирувчилар бало-қазога кўракларини қалқон қилгандилар. Шу дамда иккинчи портлаш рўй берди. Натжидада бир неча одам жиддий шикастланиди ҳамда ҳаёт билан видолашди.

Фақат шу нарса кўнглига таскин берадими, ўзини қурбон қилиб бўлсада, ўзгалар ҳаётини сақлаб қолганлар жасорати юртдошлар хотирасидан унут бўлмас экан. Исроил Деҳқонов, Григорий Станинков, Мухтор Турдиалиев, Дилавер Мелибоевлар мардлиги нафақат вақтин матбуот саҳифаларида, балки минглаб, миллионлаб кишилар хотирасида муҳрланиб қолган.

Бултур 21-22 июнь кунлари ўша марҳум қаҳрамонлар хотирасини яна бир бор шарафлашга аҳд қилинди. Шу мақсадда ўт ўчириш амалий спорт турлари бўйича мусобақа ташкил этилди. Беллашувада ҳаммаси бўлиб 120 дан ортиқ спортчилар ўз имконият ва маҳоратларини намойиш этдилар. Улар бутун Ўзбекистон ички ишлар идоралари ўт ўчи-

рувчилари, Тошкентдаги ИИБ олий ва ўрта махсус билим юртларидан ҳамда Қозоғистон, Қирғизистон Республикалардан ташриф буюрган терма командалар вакиллари эди.


Бу тадбирдан мақсад фақатгина голлибларини аниқлаш ҳамда уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш эмас, аксинча — марҳум ҳамкасблар руҳини шод айлаш бўлган. Уларга ёдгорлик ўрнатиб, яқинларини йўқлаш, ҳувиллаб қолган қалбларига дилда бериш бўлган. Шундай қилинди ҳам. Мусобақа бошланишидан олдин марҳумлар қабрларига гулчамбарлар қўйилди, намоёншлар ўтказилди, уларнинг ота-оналари ҳамда ака-укаларига аввалдан тайёрланган совғалар тақдим қилинди. Табиийки, бу ҳаракатни бир сўз билан одабийлик деб баҳолаш мумкин. Ваҳоланки, бошқа минтақалардан келганлар жуда таъсирландилар. Ўз ва-танларида ана шундай ишларни давом эттиришга аҳд қилдилар.

Яқинда Қозоғистон давлати пойтахти Олма-ота шаҳридан таклифинома олдик. Қозоқ ҳамкасбларимиз Ўзбекистонлик ўт ўчирувчи спорт усталарини бу сафар ўз диёрларига чорлашбди.

Айни кунларда йигитларимиз Олма-ота сафарига тайёргарлик кўрмоқдалар. Ўйлаймизки мазкур беллашуви-миз билан ўтганлар руҳи олдида яна бир бор таъзим бажо келтирган бўламиз.

Мирзохид МИРЗОИТОВ,
ички хизмат майори.

ҚАЙДАСАН, ДИЛШОД?



Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ томонидан 1970 йилда туғилган

Дилшод Абдурахимович Эргозиев қидирилмоқда. У 1991 йил 6 июнь кунин уйдан чиқиб кетган ва бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи — 170 см., кўзлари қора, сочлари қора ҳамда калта, бурнининг юқори қисмида чандиқ бор.

Ушанда ҳаворанг трико, ип-газламадан тикилган ҳаворанг кўйлак, жигарранг туфли кийиб олганди.

Дилшод Эргозиев ҳақида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан 02 телефони орқали энг яқин милиция идораларига, иложки бўлса, 99-05-61 телефони орқали Ҳамза тумани ИИБга хабар қилишларини сўраймиз.



ТОИРЖОННИ КЎРГАН БОРМИ?

Тошкент шаҳар Октябрь тумани ИИБ томонидан 1972 йилда туғилган Шахриёв Тоиржон Раҳимович қидирилмоқда. У шу йил 5 февраль кунин уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: кўринишдан 12 ёшдаги болага ўхшайди, бўйи 145-150 см., гавда тузилиши ўртача, қоп-қора сочлари дўппига ўхшаб ўсган, қулоқ атрофлари эса сочсиз, қошлари сийрак, кўзи қора, қўлининг бармоқ-

лари калта.

Уст-боши: спорт костюми ва куртка кийган, оёғида қора резина қалиш бўлган.

У ёшлигидан дауна касалига чалинган, фақат исминини айта олади, холос.

Мухтарам юртдошлар! Агар Тоиржон ҳақида бирор маълумотга эга бўлсангиз, 42-35-01, 42-35-02, 42-35-23 рақамли телефонлар орқали Октябрь тумани ИИБга хабар беришингизни илтимос қиламиз.